

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН  
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

Самарқанд шаҳри

2023 йил 27 июнь

Самарқанд шаҳар иқтисодий суди судьяси К.И.Тухтаевнинг раислигида, судья ёрдамчиси М.Узоқовнинг котиблигида, аризачи ██████████ ██████████нинг жавобгар "██████████" масъулияти чекланган жамиятига нисбатан берган аризаси бўйича қўзғатилган ишни, аризачи вакили Қ.Истамкулов (ишончнома асосида)нинг иштирокида, Самарқанд шаҳар иқтисодий суди биносида, очик суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни-

**А Н И Қ Л А Д И:**

Самарқанд шаҳар иқтисодий судига аризачи ██████████ ██████████ ариза билан мурожаат қилиб, унда "██████████" масъулияти чекланган жамияти томонидан 2023 йил ██████████ бўйича солиқ ҳисоботи белгиланган муддатларда солиқ органига тақдим этилмаганлигини, белгиланган муддатларда солиқ ҳисоботини тақдим этиши ва жавобгарнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операциялар тўхтатиб турилиши тўғрисида жавобгарнинг шахсий кабинетига электрон шаклда сабабларини кўрсатган ҳолда хабарнома ҳамда огоҳлантириш хати юборилганлигини, бироқ жавобгар томонидан 2023 йил ██████████ бўйича солиқ ҳисоботи 2023 йил 12 июн кунига қадар тақдим этилмаганлигини билдириб, "██████████" масъулияти чекланган жамиятининг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларини ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туришни сўраган.

Суд мажлисида жавобгар "██████████" масъулияти чекланган жамияти вакили иштирок этмади.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 220-моддасига асосан ишни жавобгар иштирокисиз, ишдаги мавжуд ҳужжатлар асосида кўриб чиқиб, мазмунан ҳал этишни лозим деб топди.

Суд мажлисида иштирок этган аризачи вакили Қ.Истамкулов судга маълумотнома тақдим қилиб, ўз тушунтиришида, жавобгар томонидан белгиланган солиқ ҳисоботлари тақдим этилмаганлигини билдириб, аризани қаноатлантиришни сўради.

Суд, иш бўйича аризачи вакилининг тушунтиришини тинглаб, ишдаги мавжуд ҳужжатларни ўрганиб, уларга ҳуқуқий баҳо берган ҳолда, қуйидаги асосларга кўра, аризани қаноатлантиришни лозим деб ҳисоблайди.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, "██████████" масъулияти чекланган жамияти томонидан 2023 йил ██████████ бўйича солиқ ҳисоботи 2023 йил 12 июнга қадар солиқ органига тақдим этилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 82-моддасига кўра, солиқ ҳисоботи солиқ тўловчи ҳисобга олинган жойдаги солиқ органига белгиланган шаклда қоғоз ёки электрон шаклда ушбу Кодексга мувофиқ солиқ ҳисоботига илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар билан тақдим этилиши лозим.



Шунингдек, ушбу Кодекснинг 273-моддасига биноан, солиқ тўловчилар, агар ушбу бобда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ ҳисоботини ўзлари солиқ ҳисобида турган жойдаги солиқ органларига ўтган солиқ давридан кейинги ойнинг йигирманчи кунидан кечиктирилмаган муддатда тақдим этишлари шарт.

\_\_\_\_\_нинг қарорига асосан солиқ тўловчининг банклардаги барча ҳисобварақлари бўйича барча чиқим операциялари 10 кунга тўхтатилган.

Солиқ тўловчининг шахсий кабинетига электрон шаклда хабарнома ва огоҳлантириш хати юборилган, лекин жавобгар томонидан солиқ ҳисоботи топширилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 111-моддасига кўра, юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш солиқ органи томонидан мазкур солиқ тўловчиларнинг (солиқ агентларининг) солиқ мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш учун солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан солиқ органига молиявий ва (ёки) солиқ ҳисоботи бундай ҳисоботни тақдим этишнинг белгиланган муддати туганидан кейин ўн кун ичида тақдим этилмаганда, солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) ўзи кўрсатган манзилда йўқлигида ва бошқа ҳолларда қўлланилиши мумкин. Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан ўн кундан кўп бўлмаган муддатга қабул қилиниши мумкин. Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг илтимосномасига асосан суд томонидан қабул қилиниши мумкин. Бунда солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банк ҳисобварақлари бўйича операциялари суд томонидан қарор қабул қилингунга қадар тўхтатиб турилади.

Шунинг учун, аризачи \_\_\_\_\_ судга ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар "\_\_\_\_\_" масъулияти чекланган жамиятининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларини ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туришни сўраган.

Суд мажлисида аризачи \_\_\_\_\_ вакилининг судга тақдим қилган 2023 йил 27 июндаги 23-55665-сонли маълумотномасида жавобгар "\_\_\_\_\_" масъулияти чекланган жамияти томонидан 2023 йил \_\_\_\_\_ бўйича ҳисоботлар тақдим этилмаганлиги маълум қилинган.

Суд, тақдим қилинган ҳужжатларга кўра, аризада қайд этилган солиқ ҳисоботи жавобгар "\_\_\_\_\_" масъулияти чекланган жамияти томонидан тақдим этилмаганлигини инобатга олиб, аризани қаноатлантиришни лозим деб ҳисоблайди.

Суд, аризачи вакилининг тушунтиришини тинглаб, ишдаги ҳужжатларни ўрганиб, далилларга баҳо бериб, аризани қаноатлантиришни, жавобгар "\_\_\_\_\_" масъулияти чекланган жамияти томонидан Солиқ кодексига белгиланган тартибда давлат солиқ хизмати органига 2023 йил \_\_\_\_\_ бўйича солиқ ҳисоботларини топшириш орқали ҳуқуқбузарликни бартараф этгунига қадар унинг банк муассасасидаги барча ҳисобварақлари бўйича операцияларнинг чиқим қисмини тўхтатиб қўйишни, суд харажатлари масаласини муҳокама қилиб, давлат божи ва почта харажатлари ундирмасликни лозим деб топди.

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикаси “Давлат божи тўғрисида”ги Қонуннинг 9-моддаси 19-бандига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси



Иқтисодий процессуал кодексининг 176-179, 186, 216-217, 220, 221 ва 222-моддаларини қўллаб, суд

## Қ А Р О Р   Қ И Л Д И:

Аризачи [REDACTED]нинг аризаси қаноатлантирилсин.

Жавобгар "[REDACTED]" масъулияти чекланган жамияти томонидан қонунда белгиланган тартибда давлат солиқ хизмати органига 2023 йил [REDACTED] бўйича солиқ ҳисоботларни тақдим этилгунига қадар унинг банк ҳисобварақлари бўйича барча чиқим операциялари (фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ биринчи навбатда кўрсатилган тўловларга, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирувга йўл қўйилмайдиган банклардаги ҳисобварақларга татбиқ этилмайди) тўхтатиб турилсин.

Ҳал қилув қароридан норози бўлган тараф ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан бошлаб ўн кун муддат ичида шу суд орқали Самарқанд вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов хайъатига апелляция шикояти (протести) бериши мумкин.

Судья

К.И.Тухтаев

